

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 6311:657.26(575.1)

Очилов Илёс Келдиёрович

**БОЗОР ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА АЎДИТНИ
ТАДБИҚ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ**

(Ўзбекистоннинг сут ишлаб чиқариш ва қайта
ишлаш тармоғи мисолида)

Ихтисослик: 08.00.08.-“Бухгалтерия ҳисоби,
иқтисодий таҳлил ва аудит”

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент — 1999

657(043.3)

0-95

Диссертация Тошкент Молия институтининг “Бухгалтерия ҳисоби,
назорат ва аудит” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: — иқтисод фанлари номзоди,
доцент *Каримов А.А.*

Расмий оппонентлар: — иқтисод фанлари доктори,
профессор *Жуманов А.М.*
иқтисод фанлари номзоди
Ҳасанов Н.Ҳ.

Етакчи ташкилот: — Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси
кошидаги К.005.25.01. ракамли Бирлашган ихтисослашган Кенгашнинг
2000 йил “28” декабр соат “15⁰⁰” да иқтисод фанлари
номзоди илмий даражасини беришга бағишиланган йигилишида бўлиб
ўтади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Я.Колас кўчаси, 16.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 1999 йилнинг “27” декабр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

А.Усанов

I. Ишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартириши ёсатида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Бу борада улкан имкониятларга эга бўлган қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса, хом ашё билан таъминлайди. Шунингдек, мамлакат аҳолисининг аксарият қисми мазкур соҳада меҳнат қилишини қайд ҳам этиш ўринидир.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганлариdek: “Бу соҳада биринчи галдаги асосий вазифа — мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсан, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турдиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак”¹.

Аграр соҳада иқтисодий испоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёни жаҳон ҳамжамияти тажрибалари асосида, республикамизнинг миллый хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш моделини яратиш, турли хил мулкчилик ва хўжалик шаклларида фаолият юритаётган фермер, хусусий, жамоа, ижара, ширкатларда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ҳамда молиявий назоратнинг муҳим таркибий қисми бўлган аудитни ташкил этиши ва такомиллаштириш вазифасини долзарб қилиб кўймоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатади, 1996 йилда қишлоқ хўжалигидаги 831 та чорвачилик хўжалигидан 355 таси 230,1 млн. сўм зарар билан, 1997 йилда эса, 831 та чорвачилик хўжаликларидан 138 таси 100,4 млн. сўм, 1998 йилда эса 59 таси 22,1 млн. сўм зарар билан молия хўжалик фаолиятларини якунлаган². Бунинг асосий сабаблари бўлиб, ушбу хўжаликлarda иқтисодий муносабатлар, қолаверса ташкил қилинган ҳисоб-китоб ишларининг давр талабига жавоб бермаслиги олинадиган даромадлар харажатларни қопламаслиги, шунингдек, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш чора-тадбирларини амалга оширилмаганлиги, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдаги ички имкониятлар тўла равишда ҳисобга олинмаётганлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш жараёни ўзининг мантиқий якунига етказилмаганилиги, мулк шаклларининг назарий ва амалий жиҳатлари етарлича ёритиб берилмаганилиги, харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантирилиш бўйича тизим корхоналари хусусиятларини ўзида акс эттирувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши талаб даражасида эмаслиги, бу соҳада ҳали илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Айниқса, чорвачилик тармоғининг ҳисоб-

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”. — Т.: Ўзбекистон, 1999, 32-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоботи.

китобларидаги камчиликларни эътироф этиб, Президентимиз И.А. Каримов “Кейинги пайтларда чорва моллари камайиб кетмоқда. Афсуски бунга ҳисоб-китобларнинг мукаммал эмаслиги сабаб бўлмоқда. Уларда хусусийлашган фермалар, аҳоли қўлига ўтган моллар ҳисобга олинмаяпти”¹ деб таъкидлаб, яна бир марта, бу соҳада ҳисоб-китобни такомиллаштириш вазифасини белгилаб қўйди.

Сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳозирги ҳолати бошқариш тизимини аниқ, тўлақонли ахборотлар билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Бугунги кундаги энг асосий йўналишлардан бири ишлаб чиқариш харажатлари, корхонанинг умумий харажатлари ҳисобини юритиш, маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш, баҳо белгилаш ҳамда аудиторлик назоратини амалга ошириш мақсадида бухгалтерия ҳисобини қонуний асослари негизида, бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мос келадиган янги ҳисоб тизимини яратиш лозим. Юқоридаги муаммолар илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назоратини ташкил қилиш, уларни такомиллаштириш масалалари чет эл иқтисодчи олимлари Р.Дож, Э.Касл, Р.Мюллендроф, П.Фридман, Дж.Фостер, Ч. Хоренгрен, Р.Энтони, Дж.Рис, МДҲ иқтисодчи олимлари А.Аксененко, И.Белый, И.Белебеха, Ю.Данилевский, И.Ламыкин, С.Николаева, М.Пизенгольц, В.Смирнов, шунингдек, республикамиз соҳа олимлари Э.Гадоев, А.Жуманов, Н.Жўраев, Т.Жўраев, А.Иброҳимов, Ю.Иткин, С.Қодирхонов, Д.Қудбиев, А.Каримов, Ҳ.Мусаев, А.Ризоқулов, Н.Санаев, А.Сотиболдиев, М.Тўлахўжаева, С.Йўлдошев, Б.Ҳасанов, Н.Ҳасанов ва бошқаларни ишларида кенг ўрин олган. Лекин бозор шароити сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтинослашган фермер, дехқон ва жамоа хўжаликларида, ҳисоб-китоб ишларини доимий такомиллаштириб боришини тақозо қўлмоқда. Янги шароити сутни ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назоратининг янги муаммоларини келтириб чиқарди. Ушбу муаммолар албатта ҳисоб ва назоратнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш орқали ўз счимини топади. Бозор шароитида барча меҳнат, молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиши натижада корхона кўпроқ фойда олиши имкониятларини яратиш зарурлигини тақозо қўлмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади қишиюқ хўжалиги тизимидағи сутни ишлаб чиқариш ва унга қайта ишлов бериш фаолияти билан шугууланаётган турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятида харажатларни тутган ўрни ва таъсирини аниқлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини туркумлашни, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича амалдаги

¹ Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби”. — Т.: Ўзбекистон, 1997, 329-бет

ҳужжатларни, маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуllibарини такомиллаштириш ҳамда тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда аудит услубиётини тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар бериши.

Кўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилди:

— бозор шароитида сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармогида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назоратнинг услубий жиҳатларини асослаш;

— сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдаги харажатларни турли белгиларига қараб туркумлаш ва уни такомиллаштириш;

— сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоб сиёсатини юритиш бўйича тавсиялар бериши;

— мулкчиликнинг турли шаклларидаги сут ишлаб чиқариш хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;

— сутни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларни такомиллаштириш;

— сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг янги калькуляция моддаларини ишлаб чиқиш;

— маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг такомиллашган усулини таклиф этиш;

— ишлаб чиқариш харажатларини аудит қилиш услубини тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб — Қишлоқ хўжалиги тизимидағи турли мулкчилик асосланган сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналаридаги харажатларни месъерий ҳужжатларга асосан расмийлаштириш, уларни туркумлаш, ҳисобга олиш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуllibарини ишлаб чиқиш, аудитининг усуllibарини белгилаш ва амалиётига тадбиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти бўлиб, Республика миздаги сутни ишлаб чиқаришга иҳтисослашган чорвачилик хўжаликлари, жумладан Тошлоқ, Чиноз, Паркент, Жомбой туманларидаги сутни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи фермер, хусусий, жамоа хўжаликлари, Тошкент сут ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Ишда шунингдек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Республика деҳқон ва фермерлар уюшмасининг сут ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи хўжаликларининг маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида ҳисоб сиёсати ва назоратига оид месъерий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари

ҳисобланади. Тадқиқотни ўтказишда ўрганилаётган иқтисодий жараёнлар ўзаро боғлиқлиқда, ўзгаришда ва ривожланишда деб қаралади. Изланиш натижалари бўйича хуласалар кўрсаткичларни солиштириш, гурухлаш, таққослаш орқали амалга оширилди.

Диссертациядаги илмий янгилик. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, чорвачилик соҳасида сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарининг харажатлари янги тартибда туркумланиб, ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатларда расмийлаштириш, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ҳамда харажатлар калькуляция моддалари такомиллаштирилди. Шунингдек, назоратнинг таркибий қисми бўлган аудитни ўтказиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди. Тадқиқот якунида назарий ва амалий тажрибалар ўрганилган ҳолда куйидаги натижаларга эришилди:

- сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарининг фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларини тутган ўрни ва таъсири илмий-назарий жиҳатдан асосланди;
- сутни ишлаб чиқариш тармоғидаги турли мулкка асосланган корхоналарда харажатлар ҳисоб сиёсати бўйича таклифлар берилди;
- сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдаги харажатлар турли белгиларига қараб туркумланиб, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;
- сутни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- сутни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар хусусиятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатлари калькуляциясининг янги моддалари ишлаб чиқилди;
- маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг такомиллашған усули тавсия қилинди;
- ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиниб мавжуд ички имкониятлар аниқланди, ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди;
- сутни қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш маҳсадида фермерлараро мини-заводлар ташкил қилиш ва уларда ҳисоб юритиш бўйича тавсиялар берилди;
- тармоқда назоратнинг янги тури бўлган аудитни ташкил этишдаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф қилиш йўллари белгиланди;
- ишлаб чиқариш харажатларини аудит қилишининг такомиллашган услуби тавсия қилиниб, амалиётга тадбиқ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижалари назарий ва амалий аҳамияяга эга. Диссертациядаги таклифлар ва тавсиялар амалиётга жорий этилса, сутни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи тармоқ корхоналарининг харажатларини камайтирилишига, ҳисобга олиниши ва назорат қилинишини яхшилашга олиб келади. Харажатларни ҳисобга олишда бошланғич ҳужжатлар,

ҳисоб регистрларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини янги Низомга мувофиқ юритиш имкониятини беради. Илмий тавсиялар харажатларни самарали бошқариш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни бозордаги рақобатбардошлигини аниқлаш, янги шароитда ҳисоб ва солиқ сиёсати талабларига қаратилган. Диссертациядаги маҳсулот таннархини калькуляция қилишга, назоратини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар бошқарув қарорларининг ўз вақтида тўғри қабул қилинишини таъминлайди, хўжалик субъектлари томонидан бизнес режани ишончили маълумотларга асосан тузиш имконини беради. Харажатларнинг аудиторлик назорати орқали сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари самарали фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилиши ва амалиётта тадбиқ қилиниши. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат Университетида 1995-1999 йillardа бўлиб ўтган анжуманларда муҳокама қилинди ва маъкулланди. Булар қўйидагиларда ўз аксини топган: “Бозор иқтисодиёти шароитида Республика солиқ тизими ва бухгалтерия ҳисоби муаммолари” (1995 йил 22 декабрь), “Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисоби” (1998 йил 15 июнь), “Ёш олимлар ва талабаларнинг 2-Республика илмий анжумани” (1996 йил 25-27 апрель); “Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг 3-Республика илмий анжумани” (1997 йил 28-29 март).

Тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Республика деҳқон ва фермерлар уюшмасига қарашли корхоналар ва хўжаликларда кўллаш учун берилди (маълумотномалар мавжуд).

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп қилинган ишлар. Илмий изданини натижаларини ифодалови б та иш чоп этилган. Уларнинг аниқ рўйхати ушбу автографатнинг охирида келтирилган.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг таркиби унинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини акс эттиради.

Кириш қисмида — мавзунинг долзарблиги, ўрганилганик даражаси илмий асосланиб, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот предмети ва объекти, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобда — сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоғининг ҳозириги ҳолати таҳлил қилиниб, уни ривожлантириш истиқболлари, бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари талаб даражасида харажатлар ҳамда маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиши юзасидан ҳисоб сиёсатининг асослари, ишлаб чиқариш харажатларини туркумлашнинг назарий ва услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Иккинчи бобда — ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг ҳозириги ҳолати таҳлил қилиниб, ҳозирги давр талабига мос равища сут ишлаб

чиқариш ва уни қайта ишлаш харажатларини калькуляция қилиш, маҳсулот таннархини аниқлаш усуслари ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклифлар асослаб берилган.

Учинчи бобда — сут ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарда назоратнинг янги тури бўлган аудитнинг назарий ва услубий асослари ҳамда ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари аудитини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида — бажарилган илмий тадқиқот натижалари бўйича хулоса қилиниб, сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш ва аудитни тадбиқ қилиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

II. Ишнинг асосий мазмуни

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали ҳалқимизнинг моддий ва маънавий фаравонлигини оширишдан иборат. Бугунги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб муаммолардан биридир. Ушбу масаланинг муҳимлигини эътироф этиб юртбошимиз И.А. Каримов “Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодни барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланаб бормоқда. ... чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилиш талаб этилади” — деб таъкидлаган эдилар¹.

Чорвачилик тармоғидаги қорамолчилик фермаларини хусусийлаштириш, фермер хўжаликлари ҳамда деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлашдаги қўйилган муҳим қадам бўлди. Расмий маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони 23867,4 минг кишини ташкил қилган, уларни табиий меъёрлар бўйича 1 йилда сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун 8636 минг тонна сут ишлаб чиқариш зарур бўлди. Ҳақиқатда эса йилига ўртacha 3494,9 минг тонна сут ишлаб чиқарилиб, қолган эҳтиёж сут маҳсулотларини импорт қилиш эвазига қондирилган.

Чорвачиликнинг қорамолчилик соҳасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Сут йўналишидаги чорва моллари бош сонининг камайиши, озиқлантириш қоидаларига тўлиқ риоя қилинmasлик чорва маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Чорва фермаларини хусусийлаштиришга ўтилган, яъни 1993 йилга нисбатан 1998 йилда йирик шохли қора молларнинг умумий бош сони сезиларли даражада камайган. Шу жумладан, жамоа, ширкат ва хусусийлашган фермаларда 58,1 фоизга камайган. Деҳқон хўжаликларида 1998 йилда

¹ Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. — Т.: Ўзбекистон, 1996, 189-бет

1993 йилга нисбатан қорамоллар бош сони 20,9 фоизга кўпайган. Фермер хўжаликларда ҳам 181,3 фоизга кўпайгани маълум. Бу албатта деҳқон ва фермерларнинг сут ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутишини билдиради.

Сут ишлаб чиқариш тармоғидаги асосий омиллардан бирин соғин сигирлар бош сони ҳисобланади. Агар Узбекистон Республикасидаги барча турдаги хўжаликларда 1998 йилда 1993 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 3,2 фоизга кўпайган бўлса, жамоа, ширкат ва хусусийлашган фермаларда ушбу даврда 48,8 фоизга қамайган. Ваҳоланки деҳқон хўжаликларида эса сигирлар бош сони 1998 йилда 1993 йилга нисбатан 12,9 фоизга кўпайган. Фермер хўжаликларида 1998 йилда 1993 йилга нисбатан соғин сигирлар бош сони 168,0 фоизга кўпайган. Бу рақамлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, чорвачилик соҳасида хўжалик юритувчиларнинг аксарияти деҳқон хўжаликлири ва фермер хўжаликларидир. Ушбу хўжаликлarda бухгалтерия ҳисобини, шу жумладан ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг бозор талабларига мослаштирилиши ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Чорвачилик соҳасида ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш ушбу хўжаликларда янги шароитда ҳисоб сиёсатини юритишни тақозо этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда ўз ечимини кутаётган маълум муммомлар мавжуд бўлиб, корхоналар ва хўжаликлarda содир бўлаётган барча харажатлар тўлиқ ҳисобга олинмаяпти, уларни ҳужжатлаштиришда ҳам маълум чалқашликларга йўл қўйилмоқда. Натижада маҳсулот таннархи ошиб, ундан олинаётган фойда эса пасаймоқда. Бу ўз навбатида корхоналарнинг ривожланишига, бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ орқали давлат ғазнасига салбий таъсири этмоқда. Ўрта ва кичик бизнесда фаолият кўрсатаётганлар учун ҳисоб сиёсати уларни тадбиркорлик билан шуғулланишга ундаши керак. Шунингдек, ҳисоб ишларини мустақил юритаётган хусусий тадбиркорлар учун қулай, шу билан бирга мукаммал ҳисоб шакли зарур.

Сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга мўлжалланган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш тартиби жорий қилинаётган бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мос келиши керак. Бунда корхоналар ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аниқлашда ҳисоб сиёсатининг муқобиллик тамойилидан фойдаланиши харажатлар тўғрисидаги маълумотларни олиш самарадорлигини оширади. Бу тамойилни ҳаётга тадбиқ этиш учун “Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари” деб номланган бухгалтерия ҳисобининг миллий андозасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу қаторда тадқиқот натижаларига асосланниб, сутни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида бозор

иқтисоди талабларига мос келадиган ҳисоб сийсатини юритиш бўйича таклифлар берилиди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг ҳолати, тадбиркорлик натижасидаги харажатлари, маҳсулот сотишдан олинадиган даромадларни вақтида аниқлаб бериши керак. Бу ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби ахборотларини тўлақонилиги, ўз вақтида истеъмолчиларга етказилишига бевосита боғлиқdir. Харажатлар ҳисоби корхона, фермер ва деҳқон хўжаликларини бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатларининг аҳамияти кичик бизнесга асосланган сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида кундан-кун ошиб бормоқда. Корхона рентабеллилик даражасини ошириш харажатларни тўғри ҳисобга олиб борилиши ва уларнинг назоратига бевосита боғлиқdir. Буни тўғри ташкил қилиш мақсадида сут ишлаб чиқариш тармоғининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб “Ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижалар ҳисоби” бўйича меъёрий ҳужжатлар доирасида услубий қўлланма ишлаб чиқилиши таклиф этилган.

Харажатлар ҳисобини такомиллаштириш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, харажатлар таркибини замон талаблари асосида туркумлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шаклланиши тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши ушбу муаммонинг ҳал қилинишида ижобий силжишлардан бўлди. Аммо мазкур ҳукумат ҳужжатида харажатлар таркиби умумий тарзда бўрилган. Тармоқ корхоналарининг хусусиятлари тўлиқ инобатга олинмаган. Шунинг учун диссертацияда меъёрий ҳужжатларга асосланни сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш хўжаликларидан харажатларнинг туркумланиши ишлаб чиқирилди. Харажатларни туркумлашда аввало эгилувчанлик тамойилига кўпроқ эътиборни қаратиш ва унга таъсири этувчи омилларини аниқлаб олиш таклиф этилди. Бу омилларни қўйидаги тўртта гуруҳга бўлиш таъкидланган: кўрхонанинг бажарадиган мақсади ва вазифаси; ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишдаги даражаси; хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий тузилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари ва таркибига боғлиқлиги кўрсатилиди. Бунинг натижасида маҳсулот таннархини тўлиқ аниқлаш ва ҳисобга олиш анча осонлашади, корхоналар фаолиятни бошқариш такомиллашади.

Тадқиқотчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш мақсадида мавжуд назарий, ҳуқуқий, услубий манбаларни чуқур ўрганиб ва уларга ўз муносабатини билдиради. Натижада бухгалтерия ҳисобида иқтисодий ҳодисаларни акс эттиришда умумий мезоннинг йўқлигига иқрор бўлиб, корхонанинг фаолиятидаги жараёнлар доимий ўзгаришга боғлиқ эканлиги улар узлуксиз кузатилиши, ўлчаниши ва тўлиқ расмийлаштириш шарт деган холосага келади. Бухгалтерия ҳисобининг самарадорлиги дастлабки

аҳборотларнинг вақтида ва тўлиқ ҳужжатлаштирилишига боғлиқ. Корхоналарда сарф-харажатлар тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилмас экан маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини билиб бўлмайди, молиявий натижа ҳам аниқлаб бўлмайди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари, айниқса, нодавлат мулкига асосланган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи бошланғич ҳужжатларда маълум камчиликлар мавжуд, уларнинг шакли ва мазмуни ҳам турлича. Тадқиқотчи ушбу муаммоларни ижобий ҳал қилиш мақсадида маълум таклифларни беради. Жумладан, чорвачилик харажатларининг асосини ташкил қилувчи ем-хашак сарфлаш бўйича тузиладиган “Озуқа тарқатиш ведемости”да нафақат сарфланган ем-хашак озуқа бирлигини ёки турини кўрсатиш, балким дағал ва ширали озуқаларнинг турини, миқдорини, баҳосини ва қийматини кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва ҳужжатнинг такомиллашган шаклини тавсия қиласди. Бундай таклифлар харажатларни ойма-ой назорат қилувчи ҳисоб регистрига ҳам таъллуқлидир. Тадқиқотчи харажатлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш мақсадида, “Чорвачилик харажатларини ҳисобга олиш китоби”нинг мукаммаллашган шаклини таклиф қиласди. Ушбу ҳужжатга асосан корхона ходимлари харажатлар тўғрисида узлуксиз маълумотларга эга бўладилар. Шунингдек ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштиришдаги “Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш варақаси” бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари талабига мувофиқ равишда такомиллаштирилиб, унда амортизация ҳисоблаш усусларини таъланган ҳолда эскириш ҳисоблаб, харажат объектларига олиб бориш имкониятини беради. Диссертацияда харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг дастлабки ҳужжатларда акс эттирилиши, умумлаштирилиши ва аҳборот истеъмолчиларининг таркиби келтирилган (1-чизма).

Тадқиқот ишида тавсия қилинган ушбу тизим ишлаб чиқариш харажатларини дастлабки ҳужжатлаштириш, бухгалтерия ҳисоби регистрларида умумлаштириш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш имкониятини беради. Диссертацияда сут ишлаб чиқаришга иҳтисослашган хўжаликларда харажатларни даврий ҳисобга олиш ва уларни бошқаришнинг такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилган. Маълумки корхоналарнинг амалиётида харажатлар фақат йил бўйича умумлашган ҳолда ҳисобга олиб келинмоқда. Бу эса харажатларнинг келиб чиқиши вақти бўйича бошқаришга имконият бермайди. Тадқиқот натижасида ҳисоб тизимидағи сўнгги ўзгаришлар ва андозалар эътиборга олинниб харажатларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш такомиллаштирилган. Бу ўз навбатида корхоналар кўрсаткичларини даврий баҳолаш назорат қилиш ва бошқариш имконини беради.

Диссертацияда ишлаб чиқариш харажатларини миллий ҳисоб андозаларига мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият



1-чизма. Ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар

берилган.

Харажатлар ҳисобини такомиллаштиришда қабул қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисидаги Низом асосида сут ишлаб чиқариш ва қайта ишилаш корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажат элементлари қўйидаги гуруҳга бўлинади:

— ишлаб чиқаришга боғлиқ моддий харажатлар (озуқа ва ем-хашпак харажатлари);

— ишлаб чиқаришга боғлиқ меҳнат ҳақи харажатлари;

— асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация харажатлари;

— ишлаб чиқаришга боғлиқ иш ва хизмат харажатлари;

— бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Тадқиқотчи материал харажатларни ҳисобга олишнинг миллий бухгалтерия ҳисоби андозаларида кўзда тутилган усусларини хўжаликларда қўллашнинг иқтисодий самарасини таҳлил этиб, уларни сарфлашда ўргача таннарх усулини қўллашни мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблайди.

Меҳнат ҳақи ва ижтимоий сугурта харажатларини ҳисобга олишда қўшилган қиймат сифатида жонли меҳнатни ишлаб чиқаришининг самарасига мувофиқ, яъни харажатлар сарфи ва маҳсулот чиқишининг наф етказиш даражаларига қараб қўшимча тўловларни амалга ошириш йўллари тавсия этилади.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашдаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф қилиш мақсадида:

— баланс қийматдан тенг ушусларда амортизация ҳисоблаш;

— бажарган иш ҳажмига қараб амортизация ҳисоблаш;

— қолдиқ қийматни икки карра камайтириш усуlda амортизация ҳисоблаш;

— кумулятив усусларда амортизация ҳисоблашнинг иқтисодий самара беришига қараб танлаш тавсия қилинган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларида технологик жараён учун иш ва хизматларнинг кўлчилиги четдан бажарилишини инобатга олиб, ушбу харажат элементини алоҳида ҳисобга олиш мақсаддага мувофиқлиги таъкидланган.

Тадқиқотчининг маҳсулот таннархини аниқлашга қаратилган илмий тавсияларидан биро чорва бўйича асосий маҳсулот бўлган сут ва бир бош бузоқ таннархини бозор баҳоларини ҳисобга олган ҳолда аниқлашдир. Бунда соғиб олинган 1 ц. сут ва бир бош бузоқнинг бозор баҳоларидаги қиймати белгиланади ва чорвачилик бўйича жами харажатлар, уларнинг салмоқ даражаларни бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бунда қўшимча маҳсулотларни қиймати умумий харажатлар таркибидан чегирилади. Натижада маҳсулот таннархини бозор баҳоларидаги ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда аниқроқ ҳисобланади (1-жадвал).

I-жадвал

Маҳсулот таннархини бозор баҳосига мувофиқ аниқлаш тартиби

	Маҳсулотлар номи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	Бир бирлигинг ўртача бозор баҳси, сўм	Бозор баҳосининг жами қўймадаги салмоғи, %	Маҳсулотларнинг умумий таннархи, сўм	Маҳсулот бирлигинг таннархи, сўм
1	Сут	850 ц	6000	42.8	454964	535.2
2	Бузоқ	80 бош	8000	57.2	608036	7600.4
3	Жами		14000	100	1063000	-

Маҳсулотларнинг бозор баҳоси унинг таннархини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, режали иқтисод даврида маҳсулот таннархи уларнинг баҳосини белгилашга асос сифатида қаралар эди.

Диссертацияда сутни ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатларнинг ҳисобини такомиллаштириш юзасидан бозор шароитини инобатга бўлган ҳолда ҳар бир хўжалик юритувчি субъектлар харажат моддалари ишлаб чиқилган бўлиб, уни қуийдаги моддалар бўйича ҳисобини юритиш тавсия этилган.

1. Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган моддий харажатлар:
 - а) сотиб олинган ем-хашак ва концентратлар;
 - б) ўзида ётиширилган ва қайта ишланган ем-хашак ҳамда концентратлар.
 - в) бошка моддий харажатлар.
2. Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган меҳнат ҳақи харажатлари:
 - а) доимий ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;
 - б) мавсумий ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;
 - в) қўшимча меҳнат ҳақи харажати.
3. Ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъмйонот фондларига ажратмалар.
4. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари:
 - а) амортизация;
 - б) таъмирлаш харажатлари;
 - в) ёнилғи-мойлаш харажатлари;
 - г) мулк солиғи;
5. Чорва молларини даволаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар.
6. Номоддий активларни амортизацияси.
7. Суғурта харажатлари.
8. Четдан бажарилган иш ва хизмат харажатлари (экиш, ўриш,

йиғиш, транспорт харажатлари).

9. Умум ишлаб чиқариш харажатлари.

10. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлар.

Ишлаб чиқариш харажатларини юқоридаги моддалар бүйічә ҳисобға олиб бориш маҳсулот таннархи назоратини күчайтиришга олиб келади. Қайта ишловчи хұжаликпәрдә сотиб олинган сутта, уннинг сифат күрсаткычларига қараб нарх белгилап мақсадға мувофиқдир. Бунда суттинг сифат белгиларини ифодаловчи күрсаткычлар, яғни суттинг тозалиги, кислоталигиги, редуктазлигиги, зичлигиги, ёғлилік дарражасы асос қилиб олинниши керак. Диссертацияда сутни сотиб олиш баҳосини белгиловчи мезонлар көлтирилген. (2-жадвал)

2-жадвал.

Суттинг шартнома баҳосини уннинг сифат белгиларига қараб аникланыштарғибы

Сифат белгилар	Меңгерілген талаб	Меңгерілген шартнома баҳоси, сұм	Хақиқатданған дарражалар	Меңгерілген ўзгарыштар бүйінча құшымча еки чегирма, сұм(+, -)	Меңгерілген ўзгарыштар бүйінча хәкимдік баҳо, сұм
Тозалиги $Tmj = ((Tk * Tkf) - SB) / 10$	10.0	x	15.0 (Tk)	+1.25	x
Кислоталигиги $Kmj = (SB - (Kk * Kkf)) * 05$	21.0	x	19.0 (Kk)	+1.19	x
Редуктазлигиги $Rmj = (SB - (Rk - Rkf)) / 10$	90.0	x	60.0 (Rk)	+0.82	x
Зичлигиги $Zmj = ((Zk * Zkf) - SB) / 10$	30.0	x	34.4 (Zk)	+0.32	x
Ёғлилігиги $Ymj = (Yd * Yk) * SB$	0.036	x	0.04 (Yd)	+2.78	x
1 л. Сут баҳоси		25 (SB)		+6.36	31.36

f-солишириш коэффициенти.

Ушбу услуларга асосан сутни баҳосига құшымча устамалар ва чегирмалар құлланади. Бунда аввало қар бир күрсаткыч бүйічә солишириш коэффициенти аникланади, яғни шартнома баҳосининг меңгердеги күрсаткычға нисбати орқали аникланаб, формулага қойылади ва қар бир хұжалик бүйічә алохіда шартнома баҳосидан чегирма екінші құшымча белгиланди. Бу үз навбатида қайта ишлашдаги маҳсулотларнинг сифатини оширишта имкон беради. Маҳсулот сифатини ошириш ва нобудгарчыларнинг бартараф қилиниши қайта ишловчи корхоналар оладиган фойда миқдорини күпайтиришин таъминлады.

Тадқиқтотда ишлаб чиқариш билан бирға сутни қайта ишлаш корхоналарда харажатлар таркиби, уларнинг ҳисобини такоммиллаштиришта қам эътиборни қаратған. Диссертацияда сутни қайта

ишлиш билан бөглиқ харажатларнинг калькуляция моддалари қўйидагича гуруҳланган: тўғри материал харажатлар; қайтариладиган чиқитлар; ярим тайёр маҳсулотлар; транспорт тайёрлов харажатлари; тўғри меҳнат харажатлари; ижтимоий суғурта харажатлари; ишлаб чиқариш билан бөглиқ бўлган асосий воситаларнинг амортизацияси; номоддий активларнинг амортизацияси; умумишлаб чиқариш (цех) харажатлари; брак туфайли маҳсулотларнинг йўқотилиши ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари. Ушбу харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлиги, уларни доимий назорат қилиш орқали таъминланади. Бозор шароитида мулк эгалари ишлаб чиқариш жараёнини назорат ва аудит қилиш орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни танинархини тўғри аниқлаб бозордаги товарлар сегментини ва рақобатдошлигини сақлайди. Шу билан бир қаторда давлатнинг монетар сиёсатига тўла мослиги, танинархни тўла шакллантириш ва уни пасайтириш имкониятлари яратилди.

Чорвачилик соҳасидаги харажатларни ҳисобга олиш ва аудитни ўтказиш назоратнинг умумий тамойилларига мос бўлиши керак. Бунда тармоқ фаолиятининг хусусиятлари, технологик жараёнларининг мураккаблиги ва албатта бошқариш тизимининг кўлами инобатга олинниш зарур.

Аудиторлик назорати воситасида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот танинархи қабул қилинган харакатдаги меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатларга ва йўриқномаларга мослиги текширилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, чорвачилик соҳасида фермер ва дэҳқон ҳўжалиги харажатлари ва молиявий натижалари аудиторлик назоратидан ўтказилмайди. Бунинг асосий сабаби меъёрий ҳужжатларда ва маҳсус адабиётларда ушбу соҳада аудитни ташкил қилиниши, унинг услублари етарли ёртилмаган. Тадқиқотчи томонидан ушбу муаммонинг ижобий ҳал қилиш учун бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилган. Диссертацияда ишлаб чиқариш харажатларининг аудит обьектлари, уларни текшириш усуллари тавсия қилинган.

Тадқиқот натижасида харажатлар аудити, унинг тадбиқ қилиниши босқичларини ифода этувчи таклифлар берилган. Аудит жараёни (2-чизма) иқтисодий таҳлил орқали амалга оширилиши ва ресурсларга таъсир этувчи ҳар бир омилини текшириш лозимлиги таъкидланган.


Харажатларни аудит қилипда қўйидаги кетма-кетликка амал қилиш тавсия қилинади:

1. Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва ҳисботларнинг расмийлигини текшируви.

2. Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва ҳисботларни таққослаш орқали текшириш.

3. Харажатларни мантиқий текшириш.

4. Харажатларни корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича текшириш.



2-чизма. Харажатлар аудитининг объектлари ва кетма-кетлиги

5. Харажатларни меъёрий текшириш.
 6. Харажатларни синтетик ва аналитик счетлар бўйича текшириш.
 7. Харажатлар бўйича хронометражлар орқали текшириш ўтказиши.
- Корхоналарда харажатларни юқорида келтирилган тартибда текшириш моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш билан бирга маҳсулот таннархини бошқаришни янада яхшилашга олиб келади.

Ўйлаймизки олиб борилган тадқиқот натижалари сутни ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини тўгри туркумлаб, уларни дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш тартибини енгиллаштириш, маҳсулот таннархини ҳаққоний ҳисоблаш ҳамда ушбу корхоналарда харажатлар ҳисоби ва аудитини ташкил этишни яхшилаш имкониятини беради.

Диссертациянинг мазмуни қўйидаги ишларда баён этилган

1. Қишлоқ хўжалигида аудиторлик назорати // Иқтисод ва ҳисобот, 1996, 7-сон, (ҳаммуаллифликда) — 0,3 б.т.
2. Ишлаб чиқаришда аудиторлик // Иқтисод ва ҳисобот, 1996, 10-сон, — 0,3 б.т.
3. Фермернинг даромади ва харажати. //Солиқ ва божхона хабарлари, 1995, 5-сон, — 0,1 б.т.
4. Корхона ҳисоб услубиёти-“Мустақиллик, дунёқарашиб, ижтимоий фанлар” илмий-назарий ва амалий анжуман тезислари. Тошкент Молия институти, 1995, (ҳаммуаллифликда) — 0.3 б.т.
5. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг муаммолари- “Шу азиз ватан барчамизники” мавзуси остида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлиланган ёш олимлар ва талабаларнинг 2- Республика илмий конференция тезислари тўплами. Тошкент- 1996, 0.2 б.т.
6. Маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатларнинг аудити- Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг 3-Республика илмий-амалий конференцияси илмий ишлари тўплами. Тошкент-1997, — 0,2 б.т.



**Учет производственных затрат и проблемы внедрения аудита в
условиях рынка**
(Краткая аннотация научной работы)

Реформа бухгалтерского учета и аудита - это есть неотъемлемая часть поэтапного перехода к рыночным отношениям.

Вопросы информационного обеспечения управления в условиях рынка ставят новые требования к учету и аудиту производственных затрат.

Это вызвано с изменениями форм собственности и хозяйствования, что вносит коррективы в формировании себестоимости, ценообразования.

С учетом принятия национальных стандартов учета и аудита возникают проблемы их внедрения в практику хозяйствующих субъектов по производству и переработке молока. Это обуславливает создание единой системы учета производственных затрат, калькулирования себестоимости продукции и изучение ее влияния на повышение эффективности производства.

В работе изучены современное состояние и перспективы развития учета отрасли животноводства по производству и переработке молока.

Обоснован новый подход к экономической категории "производственные затраты" в условиях рынка с учетом отраслевых особенностей.

Исследованы вопросы организации учета производственных затрат в отрасли т.е. соответствие первичного и сводного учета, регистров синтетического и аналитического учета, методы калькулирования, способы списания затрат и внедрения аудита к национальным и международным стандартам в области учета затрат. Даны конкретные предложения и рекомендации по их совершенствованию:

- разработана учетная политика в области производственных затрат и калькулирования себестоимости продукции по производству и переработке молока с учетом требований национальных стандартов учета;

- предложена классификация производственных затрат с учетом нового Положения о составе затрат и формирования финансовых результатов, а также национальных стандартов учета;

- рекомендован пакет первичных и сводных форм учета по совершенствованию учета производственных затрат;

- обоснованы теоретические и практические аспекты предложенных калькуляционных статей затрат для частных, кооперативных, арендных хозяйств и т.д.;

- определена эффективность организации межфермерских минизаводов по переработке молока и разработаны постановки учета производственных затрат и аудита;

- упорядочена новая методика исчисления себестоимости молока в производственных единицах. Даны предложения по выбору методов калькулирования себестоимости молока на перерабатывающих

предприятиях путем сопоставления зарубежных и отечественных методов исчисления себестоимости продукции;

- рассмотрены проблемы учета и анализа качества молока и факторы, влияющие на его повышение, а также предложены вопросы стимулирования хозяйств отрасли за надлежащее качество продукции;

- в целях совершенствования аналитического и синтетического учета рекомендовано открыть аналитические счета к счету "Основное производство" с учетом особенностей отраслей по производству и переработке молока;

- определены пути решения некоторых, выявленных недостатки в организации нового вида контроля, т.е. аудит производственных затрат в предприятиях по производству и переработке молока;

- разработаны и усовершенствованы методы проведения аудита издержек производства, также внедрение их в практику с учетом отраслевых особенностей производству и переработке молока.

Результаты проведенных исследований, принятые к внедрению. Рекомендации, сформулированные в работе, имеют не только теоритические, но и практические значения внедрение их в практику способствует снижению затрат, улучшению учета и контроля деятельности предприятий по производству и переработке молока.

**The registration of manufacturing costs and problems of an intrusion of audit in conditions of the market
(Brief summary of scientific activity)**

The reform of book keeping and audit is an integral part of the economic reform in the transithal period.

Problems of a supply with information of control in conditions of the market puts the new requirements to the registration and audit of manufacturing costs. It is called with changes of patterns of ownership and managing, that introduces the correctives in formation of the cost price, pricing in conditions of multistructural economy.

In view of acceptance of the national standards for registration and audit there are some problems in the accepton ce for practice for managing subjects on production and processing of milk. It causes creations of a unified system of the registration of manufacturing costs, calculation of the cost price of commodity and its influencing on increase of a management efficiency.

In the wor the preseht stage and prospects for the development of the registration in branch of animal industries on production and processing of milk are studied. The new approach to an economical category "manufacturing costs" in conditions of the market is justified in view of branch features.

The problems of organization of the registration of manufacturing costs in the branch i.e. conformity of the primary and summary registration, registers of the synthetic and analytical registration, methods of calculation, ways of discarding of costs and intrusion of audit to the national and international standards in area the registration of costs are investigated. The specific proposals and guidelines on their perfecting are given:

- The registration policy is designed in the field of manufacturing costs and calculation of the cost price of commodity on production and processing of milk in view of the requirements of the national standards of the book keeping;
- The classification of manufacturing costs is offered in view of new rule about a structure of costs and formation of financial outcomes and also national standards of the registration;
- The idealized and practical aspects are justified by the offered calculation article of costs for private, cooperative, rent economy etc;
- The package of the primary and summary forms of the registration on perfecting the registration of manufacturing costs is advised;
- The efficiency of organization of interfarmer mini-plants on processing of milk and statement of the registration of costs, audit is justified;
- The new technique of numeration of the cost price of milk in producing units is ordered. The proposals for choicng the methods of calculating of the cost price of milk on refining firms by confrontation of foreign and domestic methods of numeration of the cost price of commodity are also given;
- The problems of the registration both analysis of quality of milk and factors

influential on its increase are reviewed, and the methods of urging of economy of branch for proper qualities of commodity are also offered;

· With the purposes of perfecting the analytical and synthetic registration it is recommended to open the analytical accounts to the account "the Main production" in view of features of production and processing of milk;

· The sequence of realization of audit (stages of audit), are advised the sources of audit, methods and acceptances, ways of checting of branches for animal industries are updated.

· The weaknesses in organization of a new kind of control in the branch of audit are revealed and the ways of solutions are determined.

· The methods of audit and production cost are improved, the offers on their introduction into practice in accordance with the branch features are developed.

The outcomes of the scientific research have the theoretical and practical values. The introduction of the offers and recommendations of the thesis will reduce in reduction of the costs, improving of the record-keeping and monitoring of the enterprises specialized on production and proctssing of milk.

Босишга рухсат этилди 10.12.99 й.
Буюртма 8-99.
Адади 100 дона. Ҳажми 1,4 б.т.

“Мүштарий-БФС” хусусий фирмасы,
Халқлар Дүстүрлигі күчаси, 28.